

«HILOL NASHR» болажонларимиз учун «Олим бола» дастурини тақдим этади



15:46 / 15.12.2020 42981

Илк бор ўзбек тилига таржима қилинган «Олим бола» дастури болажонларга Ислom динини ўргатувчи ажойиб ўйиндир. Ушбу дастур орқали фарзандларингиз ақлни чархловчи қувноқ ўйинлар орқали Қуръон ўқиш, намоз ибодати, Аллоҳнинг гўзал исmlарини, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг гўзал ахлоқларини, саҳобаи киромларнинг ҳаётларини ўрганадилар.

Дастур ҳақида батафсил маълумотни Youtube орқали кўриш:

«Олим бола» дастурида қуйидаги бўлимлар мавжуд:

«Алифбо ва тажвид» дарслари. Ушбу бўлим орқали Қуръони Каримни ўқишни ўрганиш мумкин;



«Намоз муаллими» дарслари. Бу бўлимда таҳоратдан бошлаб то намоз ўқишгача бўлган амаллар содда ва қулай тарзда ёритиб берилган;



«Сура ва дуолар» дарслари. Бу бўлимда кичик сураларни ёдлаш, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ўқиб юрган ва бизларга ҳам ўқишни марҳамат қилган дуоларни ёдлаш мумкин;



«Роббимни яхши кўраман» дарслари. Ушбу бўлим орқали Аллоҳнинг гўзал исмларини ўрганамиз;



«Суюкли пайғамбаримиз» дарслари. Бу ерда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг муборак сийратларини ўрганамиз;



«Пайғамбар ва болалар» дарслари. Бу бўлимда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам болаларни қанчалик яхши кўрганларини билиб оламиз;



«Пайғамбаримизнинг дўстлари» дарслари. Ушбу бўлим орқали буюк саҳобаларнинг ҳаётларини ўрганишимиз мумкин;

«Пайғамбарлар тарихи» дарслари. Бу бўлимда эса Қуръонда исми келган пайғамбарлар билан танишамиз;

«Ҳажга кетяпман» дарслари. Ушбу дарс орқали биз ҳаж қилишни ўрганамиз;

«Рамазон келди, рўза келди» дарслари. Бу бўлимда рўза тутишни ўрганамиз;

«Эртактлар». Бу ерда биз эртактлар оламига сайр қиламиз;

«Дуо қилишни яхши кўраман». Ушбу бўлимда ихлос билан дуо қилишни ўрганамиз.

Шуларнинг барчаси «Олим бола» дастурида Сизларни кутмоқда!

Бу ҳали ҳаммаси эмас! «Олим бола» дастурида болажонлар қизиқиб ўйнайдиган лабиринтлар, беркинмачоқ, яширин расмлар, хотира машқлари, гап тузишлар, расмни топишмоқлар ва бошқа бир қатор кўнгилочар ўйинлар жамланган!

Жумладан «Фордан қочиш» ўйини. Бунда жарликка йиқилиб кетмасдан, кўпроқ тангачаларни йиғиш талаб этилади.

Яна «Билимлар беллашуви» ўйини. Бу ўйинда эса 10 та тест-саволга тез ва аниқ жавоб бериш керак. Агар жавоб берилмаса, вақт тугайди. Саволлар эса бир-бирдан қизиқ!

«Лабиринт» ўйида эса тўғри йўлни топиб лабиринтдан чиқиб кетиш керак. Фарзандларингиз учун айти мурдао бўлган ўйин.

Ҳа, айтганча, «Ҳам-ҳам» ўйинини ҳам дастурда кўришингиз мумкин. Бунда ўйинчига берилган балиқни катта наҳанглардан эҳтиёт қилиб, озуқалар бериб, катта қилиш керак.

Хуллас, дастурни ўрнатиб ўзингиз кўринг, ҳеч афсусланмайсиз. Зўр дастур эканми? Унда ҳозироқ «Олим бола»ни юклаб олинг, маза қиласиз!

«Олим бола» дастуридан Windows, Android ҳамда iOS жиҳозлари орқали фойдаланишингиз мумкин.

Дастурни юклаб олиш: olimbola.uz/download

Дастурда кўплаб видеодарслик ҳамда интерактив ўйинлар борлиги сабаб биринчи кирганда 300 Мб дан 7 Гб гача бўлган маълумотларни интернетдан юклаб олишингиз керак бўлади. Барчаси юклаб олингач, интернет керак бўлмайди. Дастурдан тўлиқ фойдаланиш учун 1 марталик тўлов қилинади.

Боғланиш:

Телефон: [+99871 2175999](tel:+998712175999)

Электрон почта: info@olimbola.uz

Веб-саҳифа: www.olimbola.uz

YouTube саҳифа: youtube.com/olimbola